Ушбу сонда:

2 *Меҳнат ва рағбат* ФЕРМЕРЛАР УЙИ ДОНГА ТЎЛДИ

3 *Ёруғ нуқта* КИТОБ, КИТОБХОН, КУТУБХОНА...

4 ЭРТАНГИ КУНДАН КЎНГИЛ ТЎҚ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 7 июл, чоршанба № 109 (1742)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Фахр*

## ЎЗБЕК ШАХМАТЧИСИ - ФИНАЛДА!

***Ливия пойтахти Триполи шаҳрида давом этаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этган юз йигирма саккиз шахматчи орасидан сараланган икки нафари финалда ўйнайдиган бўлди. Халқаро гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов юртимиз шахмати тарихида илк маротаба жаҳон чемпионатининг финалида иштирок этади.***

Ўзбекистонлик шахмат устаси нуфузли турнирнинг саралаш беллашувлари ва чорак финалида беш тажрибали шахматчи устидан ғалаба қозонган эди. Айниқса, жаҳон чемпионлигига даъвогар халқаро гроссмейстерлар - амалдаги Европа чемпиони Василий Иванчук (Украина) ҳамда россиялик Александр Гришукни мағлубиятга учратган Рустам мухлису мутахассисларнинг таҳсинига сазовор бўлди.

Ниҳоят, ўзбекистонлик шахматчилар орасида биринчи бўлиб ярим финалга чиққан Рустам Қосимжонов ушбу босқичда жаҳон чемпионатининг энг кучли шахматчиси Веселин Топаловга (Болгария) қарши дона сурди.

Мусобақа давомида Рустам ишончли ўйин кўрсатаётган бўлса-да, аксарият мутахассислар финалга чиқиш учун энг кўп рейтинг очкога эга В.Топаловнинг имкониятини юқори баҳолашган эди. Лекин ҳамюртимиз энг кучли шахматчи билан ҳам тенгма-тенг ўйнаш мумкинлигини исботлади.

Жаҳон чемпионати қоидасига кўра, ярим финалга чиққан Рустам Қосимжонов В.Топаловга қарши, Майкл Адамс (Англия) озарбайжонлик Теймур Ражабов билан ўзаро тўртта партия ўйин ўтказди. М.Адамс рақибини дастлабки партияда енгиб, қолган учтасида дуранг ўйнади ва биринчи бўлиб финалга йўлланма олди.

Халқаро гроссмейстеримиз Р.Қосимжонов ва В.Топалов ўртасидаги баҳс анча кескин ва муросасиз кечди. Шахматчилар асосий тўртта партияда дуранг ўйнади - 2:2. Ғолиб тай-брейкда аниқланадиган бўлди.

Шу пайтда ҳам кўпчилик В.Топаловнинг финалга чиқишига умид билдираётган эди. Чунки болгариялик шахматчи бешта босқичда ўнта ўйин ўтказиб, шулардан тўққизтасини ўз фойдасига ҳал қилган, битта ўйинда рақиби билан дуранг ўйнаганди.

Тай-брейкнинг биринчи партиясида Рустам Қосимжонов қора доналар билан ўйнади. Юришни В.Топалов бошлаган бўлса-да, устунликни ушлаб қололмади. Ниҳоят, 54-юришда В.Топалов Рустамнинг ғалабасини тан олишга мажбур бўлди. Биринчи партиядаёқ финал йўлланмасини деярли ўзиники қилиб олган ўзбекистонлик шахматчи иккинчи баҳсда ҳам рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. В.Топалов устидан 4:2 ҳисобида зафар қучган ҳамюртимиз ўз фаолиятида илк маротаба жаҳон чемпионатининг финалида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мутахассисларимизнинг фикрича, Рустам Қосимжоновнинг финалга чиқиши Ўзбекистон шахмати учун катта ютуқдир. У ярим финалда дунёнинг энг кучли шахматчиларидан бирини енгди. Энди жаҳон чемпионлигини қўлга киритиш учун англиялик Майкл Адамсга қарши дона суради. Рустамнинг финалдаги рақиби ҳам жуда кучли шахматчи. У Рустам билан уч маротаба куч синашган. Беллашувларнинг барчаси дуранг натижа билан якунланган.

Мусобақа қоидасига кўра, финал учрашуви олти партиядан иборат бўлади. Финал 13 июлга қадар давом этади. Ўзбекистонлик мухлислар Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпионатида бош совринга сазовор бўлишидан умидвор. Келинг, буюк шахматчимизга омад тилайлик!

**(ЎзА)**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июл куни Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайлони қабул қилди.***

МДҲни ривожлантириш йўлида муайян муаммолар вужудга келгани сир эмас. Аъзо мамлакатларда эса Ҳамдўстликдаги вазиятни тубдан ўзгартиришга иштиёқ катта. Мамлакатимиз раҳбари бундай ўзгаришларни амалга оширишда кўпчиликнинг фикрига, биринчи навбатда Россия томонининг нуқтаи назарига таяниш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

В.Рушайло Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан. Ижрочи котиб лавозими унинг зиммасига МДҲ мамлакатларидаги вазият ва қарашларни ўрганиб, зарур режа ва тавсияларни ишлаб чиқиш вазифасини юклайди. Меҳмон Ҳамдўстликни ривожлантиришда Ўзбекистон илгари сурган ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этди.

Ҳозир МДҲ доирасидаги муносабатларда эркин савдо зонаси барпо этиш, аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалалари янада долзарблашмоқда. Ҳамдўстлик доирасида ташкил этилган тузилмалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи омилларга қарши ҳамкорликда курашни кучайтиришга оид масалалар ҳам шулар сирасига киради.

Оқсаройдаги учрашувда МДҲ мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ва кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилар экан, ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ҳамдўстликнинг сентябрга мўлжалланган Остона саммитига тайёргарлик борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**(ЎзА)**





### ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТЛАР

Зарафшон шаҳридаги «Далол» кичик корхонаси 1992 йилда ўз фаолиятини бошлаб, асосан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди.

2002 йилга келиб «Далол» кичик корхонаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида «Велан» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасига айлантирилди. Ҳозирги кунда бу ерда олтмиш хил турдаги товар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона иш кўлами кенгайиб, тикувчилар сони ҳам кўпаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, корхона маҳсулотлари экспортини оширмоқда.

**Суратларда: корхона тикувчиси Б.Исмоилова; ишчилар Д.Болтаева, Н.Жалилова ва А.Мамадалиева.**

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар**

### РЕЖА УДДАЛАНДИ

***Сирдарё вилояти ғаллакорлари ҳам давлатга дон сотиш бўйича шартнома режасини бажарди. Қабул пунктларига 150 минг тонна сара буғдой етказиб берилди.***

- Бу йилги мўл-кўл ҳосилга ўтган йилнинг кузи ва жорий йилнинг баҳорида асос солинган эди, - дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғофуржон Бўрибоев. - Ўтган вақт мобайнида ғаллакорларимиз бошоқли экинларни беш марта суғорди, икки марта минерал ва органик ўғитлар билан тўлиқ озиқлантирди. Фермерлар ва оилавий пудратчиларни азот, фосфор ва калий ўғитлари билан таъминлаш бўйича янги ташкил этилган 35 пункт узлуксиз ишлади.

Оқолтин тумани фермер хўжаликлари гектаридан 45 центнер ҳосил кўтарди. Улар давлатга 28200 тонна ғалла сотди. Бу борада Сирдарё, Боёвут ва Сардоба туман деҳқонлари ҳам қабул пунктларига юқори сифатли дон етказиб берди.

**(ЎзА)**

### САМАРҚАНДЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР - МАРРАДА

Вилоят деҳқонлари давлатга ғалла сотиш бўйича шартнома режасини адо этди. Қабул пунктларига салкам 251 минг тонна сара дон топширилди. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 52 центнерни ташкил этди.

Хирмонга Пастдарғом, Пайариқ, Иштихон, Нарпай ва Оқдарё тумани ғаллакорлари салмоқли улуш қўшди.

*Шу куннинг мавзуси*

## АЁЛИ ТИНЧНИНГ ЭЛИ ТИНЧ

***Ўзаро сўзлашувларда аёлларга нисбатан «ёлғиз ўзи кетаётган эди» деган жумла ишлатилади. Аммо менинг назаримда аёл ҳеч қачон ёлғиз юрмайди. Унинг бошида фақат ўзининг савдоси бўлмайди. У доим ўзидан ҳам кўпроқ болалари, эри, оиласи, жигарлари, қолаверса, элу юрт ташвиш-қувончлари билан юради. Шунинг учун Аёлни «жамият барометри» дейдилар. Унинг нигоҳлари, товушлари, қадамлари, ҳатто либосларида жамият руҳияти акс этади. Шунинг учун иқтисод, сиёсат ҳақида ўйланганидек, ташвиш қилингандек Аёл ҳақида ҳам ўйлайдилар, ташвишланадилар.***

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ҳам ана шу фикримизнинг яққол исботидир.

Мазкур ҳужжатда мустақиллик йилларида ташкил этилиб, шаклланган хотин-қизлар қўмиталарининг ижобий фаолияти эътироф этилган ҳолда бу тизимдаги эътибордан четда қолган жиҳатлар ҳам жиддий таҳлил қилинган.

«... Хотин-қизлар қўмиталарининг турли раҳбарлик лавозимларига сайланган аксарият фаоллар бошланғич хотин-қизлар жамоаларидан ажралиб қолган, улар ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакиллари эмас, балки давлат хизматчилари деб ҳисоблайди...»

Бу баҳони ўқиётиб хизмат тақозоси билан олис-яқин қишлоқларга борганимиздаги воқеалар ёдга келади. Илгарироқ бир шикоят мактуби изидан Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманига борганмиз. Хотин-қизлар қўмиталарига учрашишдан аввал шикоятчи аёл ва уларнинг қўни-қўшнилари билан учрашганмиз.

Аёллардан кўпи ўзларига бевосита раҳбар бўлган аёлларнинг исм-шарифларини ҳам билишмаган. Баъзи жойларга борганимизда «Нимага сизни аёллар яхши билишмайди, келиб суҳбатлашмайсизми?» деб савол берсак, «Кўриб турибсиз, бир қишлоқ билан иккинчи қишлоқ ораси узоқ, бизнинг хизмат машинамиз йўқ. Ҳадеб ёнимиздан йўлкира қилиб қатнайверишни чўнтак кўтармайди, маош ҳамма қатори», дейишади.

Албатта, аёл киши дуч келган машинага қўл кўтариб, тўхтатиб ўтириб ҳам кета олмайди. Элнинг кўзи, қолаверса, эрнинг феъл-атвори бор. Шу жиҳатдан қараганда, доим ўз вақтида муаммоли жойга бориб масалани ҳал эта олмаслигида қўмита фаолларининг ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблари ҳам бор экан.

Баъзи туман ҳокимлари хотин-қизлар бўйича ўринбосарларига ишлаш учун шароит яратиб беради, баъзилари «ўз аравангни ўзинг торт» дейди, бу масалага «ҳа, энди бир хотин-қизларни йиғиб, 2 та ашула қилиб, хурсанд қилиб қўйсанг, бўлди-да» деб қарайди. Натижада қарорда айтилгандай, «улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган...» ҳолати юзага келади.

Ўрни келганда яна бир жиҳатни айтиш жоизки, айрим аёлларга бош қилиб қўйилган раҳбарларнинг ўзи таъмагир, тўй-маросим қилса, қўл остидагиларга «оғзини очиб туради», баъзилари эса қайсидир бир амалдорнинг кўнглини топиб юргани учун сайланган, оддий аёллар уларнинг кимлигини яхши билади, минг яширишгани билан иллатларнинг иси бир жойдан чиқиб туради. Шунинг учун бундай аёллар минбарларга чиқиб, қанча баланд овоз билан ваъз ўқимасин, уларнинг гапларига ҳеч ким ишонмайди. «Ўзинг кимсану гапинг нима бўларди?» деб қарайди. Айнан шу сабаблар боис қарордаги «... юқори касб маҳоратига, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда одамлар билан ишлай оладиган мутахассис кадрлар билан тўлдирилсин» сатрлари бизда умид, ишонч уйғотади, кадрлар борасидаги муаммолар ечимига ишончли йўл топилгандек бўлади.

Қарорнинг барча бандлари аёлларимизнинг айни шу бугун тил учига келиб турган ташвишларига туташ. Хоразм вилоятининг Хива туманига борганимизда тикувчилик цехи очиб, етти-саккизта қизга иш ўргатаётган аёл билан суҳбатлашган эдим. У цехини кенгайтириш учун хўжалик раисидан бино сўраган, бино бор, аммо у «фалон миллион сўм берсанг бераман» деб оёқ тираб турган экан. «Эски клуб, таъмирлашга, ишга туширишга хўжаликнинг имкони йўқ, ўтириб қолган. Аммо менга ҳам ижарага бермайди. Кун сайин тўкилиб, нураб бораяпти, ичи ачишмайди», деган эди тадбиркор. Ҳақиқатан ҳам бу шипшийдам бинодан сал нарироқда аёлнинг кичкина цехида буюртмачилар либосларни кийиб кўриши учун хона тор, ишчилар сиқилишиб ўтиришар эди.

Қарордаги «... аёллар тадбиркорлигининг турли шаклларини ривожлантириш...» сатрларини ўқиб ўша тадбиркор аёл ва унга ўхшаган ишини юриштиролмай қийналиб юрган опа-сингилларимиз олдидаги деворлар энди пасаядигандай туюлди.

Бундан икки йилча олдин марказий нашрларимиздан бирига «Оқ рўмол ўраган ҳар ким отинойи эмас» деган сарлавҳа билан мақола берган эдим. Унда ўзини ўзи «отин» деб эълон қилган баъзи аёллар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимни баён қилгандим. Жумладан, бир йиғинда «отинойи»:

– Аёл киши туриб кийинса дўзахи, ўтириб кийинса жаннати бўлади, - дея гапира кетди.

Мен:

– Ер юзида жаннати, дўзахи бўлишга арзийдиган бошқа сабаблар қолмабдими? - деб эътироз билдирсам:

– Сиз шак келтиряпсиз, - деган.

Ёки бошқа бир йиғинда отинойимиз қўлларида чўнтак телефони ушлаб олганлар. Қуръон тиловат қилаётганда жиринглаб қолса, бизга:

– Олаверинглар, еб ўтиринглар, - деб ўзлари «Да, да»лаб гапириша кетганлар. Ахир, тиловат одоби бор. Бу ҳам ахлоқ, бу ҳам маърифат.

Маълум бўлишича, «отинбиби»лар яна бир дастурхонга шошилаётган эканлар...

Шу каби мисолларим, чиқарган хулосаларимни ўқиб, таҳририят «ҳозирча отинойиларга тегмай турарканмиз» деб жавоб беришган.

Қарордаги «... энг яхши миллий-диний анъана ва урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш масалаларида самарали таъсир кўрсатишга қодир фаол аёллар билан тўлдиришни таъминлашсин» деган сатрлар ёшлар, аёллар онгида ислом динига нисбатан нотўғри муносабатни шакллантираётган сохта «отин»лар фаолиятининг илдиз отишини тўхтатади, деган фикр уйғотади кишида.

Албатта, яхши қарорлар – яхши ўзгаришлар асоси. Аммо қарорларга жон ато этувчи, уни ҳаракатга келтирувчи мутасадди раҳбарлар, қолаверса, фуқароларнинг ўзи.

Ҳар ҳолда бу қарор ўзбек аёллари, Ўзбекистон аёллари ҳаётида янги бир юксалиш даври бошлайди, деб том маънода қувонсак арзийди.

**Кутлибека РАҲИМБОЕВА**

*7 июл - Дунё аҳолиси куни*

## ОЛТИ МИЛЛИАРДЛИК УЛКАН КЕМА

Мутахассислар фикрича, шу пайтга қадар ёруғ оламда яшаб ўтган одамларнинг сони саксон миллиарддан ошади. Уларнинг олти миллиарддан кўпроғи бизнинг замондошларимиздир.

Маълумотларга кўра, бундан ўн етти минг йилча муқаддам, яъни палеолит даврининг охирларида Ер юзида бор-йўғи уч миллион киши яшаган. Неолит даврида уларнинг сони эллик миллионга етган.

Милоднинг бошларида аҳоли сони 230 миллион кишини ташкил этган бўлса, орадан минг йил ўтиб, ўн-ўн биринчи асрларда бу рақам атиги бир неча миллионга ўсган, холос. Ўрта асрлардаги паст турмуш даражаси, муттасил давом этган урушлар аҳоли сонининг ўсишига жиддий таъсир кўрсатган.

Дунё аҳолиси биринчи миллиардлик чўққини ўн тўққизинчи асрнинг олтмишинчи йилларида забт этганди. Йигирманчи аср бошларида сайёрамизда 1 миллиард 600 миллиондан кўпроқ киши истиқомат қилган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида аҳолининг ўсиш суръати ўта тезлашиб кетди. Айни пайтда Хитой /1300 млн./, Ҳиндистон /1017 млн./, Индонезия /206 млн./ каби мамлакатлар нуфуси жиҳатидан етакчи ўринларда туради.

Дунё аҳолиси сони ҳозир ҳам ўсиб бормоқда. Бу рақам ҳар йили ўртача 90-100 миллион нафарни ташкил этади. Бу салкам Покистон ёки Бангладеш аҳолиси сони билан тенг. Айниқса, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ҳудудида туғилиш даражаси юқори.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ўсиш даражаси ҳозиргидек давом этса, уч юз йилдан кейин Ер шарида 134 триллион /!/ киши яшайди. Бу аҳолининг ҳозирги сонига нисбатан қарийб йигирма икки минг баравар кўп демакдир.

Бироқ, бу тахмин, холос. Статистик маълумотларга кўра, аҳоли сони тўққиз миллиардга бориб тўхтайди ва ўзгаришсиз қолади.

Бугунги кунда аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ демографик муаммолар дунё жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Ўз-ўзидан маълумки, дунёга келган ҳар бир инсоннинг нормал ҳаёт кечириши давомида қанча-дан-қанча табиий ва сунъий омиллар керак бўлади. Озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой ва ҳоказо. Демографик ўсиш эса бу омилларнинг танқислигига олиб келади.

Ҳозир дунё аҳлининг бешдан бир ҳиссаси истиқомат қиладиган Хитойда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Кейинги йилларда Ҳиндистон ҳукумати ҳам «демографик портлаш»нинг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Европанинг кўпгина мамлакатларида, Россия ва Японияда эса туғилишнинг кескин камайиб бораётгани ҳукуматни жиддий ташвишга солаётир.

Маълумотларга кўра, ҳар сонияда ўртача тўрт нафар чақалоқ дунёга келади. Демак, биз бу хусусда сўз бошлаганимиздан бери юзлаб гўдаклар дунё юзини кўрди.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,**
**(ЎзА)**

### ЯНГИ СТАНЦИЯЛАР ИШГА ТУШДИ

«Uzdunrobita» қўшма корхонаси томонидан Янги Нишон шаҳри ва Шўртан қўрғонида GSM стандартидаги янги станциялар ишга туширилди. Шу тариқа воҳада «Uzdunrobita»нинг GSM ва Д-AMPS стандартидаги станциялари сони ўн учтага етди.

### ШИФО МАСКАНИ

Юқори Чирчиқ туманининг Жумабозор қишлоғида ишга туширилган янги қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокори, акушер-гинеколог, педиатр, хирург, стоматолог, физиотерапия хоналари ҳамда саккиз ўринли кундузги стационар мавжуд. Туманда шу ойда яна иккита ана шундай тиббий муассасани ишга тушириш режалаштирилган.

*Истеъмолчи манфаати – муқаддас*

## ҒИРРОМЛИК

### ёхуд «Жиззах почтаси» ОТҲЖ фаолиятидаги нуқсонлар хусусида

Почта хизматисиз кундалик ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, биз яшаётган ахборот асрида унинг фаолияти янада такомиллашиб, замон руҳига мос тарзда ривожланиб бормоқда. «Жиззах почтаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳам вилоят молия бошқармасининг қарори билан пенсия ва нафақа тарқатиш бўйича 1,29 фоиз хизмат ҳақи олиш билан монополист корхоналар Давлат реестрига киритилган.

Афсуски, текширишлар чоғида шу нарса маълум бўлдики, жойлардаги аҳолига кўрсатилаётган почта хизмати тарифлари қўпол равишда бузилмоқда. Биргина Ғаллаорол туман почта боғламасида ортиқча тариф қўлланиш натижасида қисқа даврда 132,6 минг сўм ноқонуний даромад олинган. Шунингдек, Бахмал, Зомин, Фориш туман почта боғламаларида ҳам шундай қонунбузилишлар содир этилган. Ортиқча тариф қўллаш натижасида «Жиззах почтаси» қисқа муддатда 251,3 минг сўмлик ноқонуний даромадга эга бўлган.

Аҳолининг пул жўнатмалари бўйича Мирзачўл туман почта филиали 51 минг, Пахтакор туман бўлими 34 минг, Фориш тумани 45,6 минг, Зафаробод тумани 24,5 минг, Зомин тумани 14,2 минг, Дўстлик тумани 26,7 минг, Ғаллаорол тумани 44,8 минг сўмлик ортиқча ҳақ олиб «ким ўзар»га беллашган гўё. Натижада вилоят бўйича бу кўрсаткич 240,8 минг сўмни ташкил этган.

«Алоқаинвест» ҳиссадорлик жамиятининг Жиззах бўлими томонидан эса Фориш туманидаги Осмонсой, Толбоши, Ровот қишлоқларида олиб борилган қурилиш ишларида ашёлар нархини ошириб кўрсатиш ҳисобига 182,2 минг сўмлик ноқонуний даромад олинган.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига зид равишда «Жиззах почтаси» ОТҲЖнинг жойлардаги қатор тармоқларида корхона номи, жойлашган манзили, иш тартиби кўринарли жойда акс этмаган бўлса, Арнасой, Зомин, Зарбдор, Зафаробод, Мирзачўл, Пахтакор туман филиаларида кўрсатилаётган хизматлар ҳақидаги маълумотлар, нарх ва тарифлар «Истеъмолчилар бурчаги»да акс этмаганлиги аҳолига ноқулайлик туғдирмоқда.

Бир қатор туман почта алоқа бўлимларида мавжуд тош-торозилар Давлат стандарт кўригидан ўтмаганлиги истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир. Жамиятга қарашли Марказий почта шохобчаси ходимлари махсус кийим-кечаклар билан таъминланмаган, кўкрак нишонларига эга эмас.

Аниқланган камчилик ва нуқсонлар юзасидан «Жиззах почтаси» ОТҲЖ ҳамда «Алоқаинвест» ҳиссадорлик жамияти раҳбарларига ёзма кўрсатмалар берилди. Ноқонуний олинган даромад учун 1 миллион 348 минг сўмлик жарима қўлланилди.

**Олимжон ҚУЛМАТОВ,**
**Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи**

*Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида*

# МАКТАБ ҚОШИДА БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ

***Фаолиятимизнинг бош бўғини таълим муассасалари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш билан биргаликда болаларни соғломлаштириш, дуркун ўстиришдан иборат бўлмоқда.***

Биргина ўтган йили мактаблар қошида соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этишга 1 миллион 600 минг сўмдан ошиқ маблағ ажратиб бердик. Амалдаги йилда эса бу миқдор бир баробарга оширилди. Бу эса болаларнинг кўча-кўйда тентирашлари, бўш вақтларини беҳуда ўтишини олдини олади. Ўқув таътили олдидан бир қатор режаларни қабул қилдик. Муддаомиз шаҳардаги бир қатор спорт мажмуаларида тўгаракларни сонини кўпайтириш, ёшларнинг хоҳиш-истаклари асосида машғулотлар ташкил этишдан иборат. Кўпчилик ота-оналар истаклари ҳам ана шуни тақозо этяпти. Ҳеч кимга сир эмас шаҳардаги бозорларда арава судраган, қоп орқалаган ёшлар кўпайиб бораяпти. Уларнинг аксарияти уч-тўрт сўм ишлаб олиш илинжида ўзларини бу юмушга уришади. Аслида бунга эҳтиёж борми? Қатор таълим даргоҳлари ҳамда маҳалла фаоллари билан мулоқотлар жараёнида аён бўлдики, аксарият ҳолларда бу бекорчиликдан юзага келмоқда. Шунинг учун халқ таълими бўлими мактаблар, маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда бундай ҳолатлар олдини олишга астойдил бел боғлаганмиз. Ёшларни ўзига жалб эта оладиган, воситалардан бири – спортдир. Чунки чиниқиш, баркамол ва барваста бўлиш ҳар бир ўсмир орзуси.

Яқинда Гулистон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Меҳр ва мурувват» йилига бағишланган «Саломатлик» спартакиадасини ўтказдик. Унда 540 нафар халқ таълими ходимлари билан биргаликда мактаб болалари иштирок этишди. Спортнинг саккиз турида катталару ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Икки кун мобайнида барча қатнашчилар касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан бепул иссиқ овқат билан таъминланди.

Болаларни соғломлаштириш, спортга жалб этишга муносиб улуш қўшган, ёшлар эътиборига тушган беш нафар мураббийга махсус мукофотлар тақдим этилди. Спартакиада қатнашчилари шаҳар миқёсидаги бундай беллашувларни кўпроқ ташкил этиш тарафдорлигини билдиришди.

Ўтган фурсат мобайнида 45 нафар халқ таълими ходими республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида ўз саломатликларини тиклади. 29 нафар кам таъминланган, кўп фарзандли оилаларга касаба уюшма шаҳар кенгаши маблағларидан 283 минг 700 сўмлик моддий мадад берилди. Маданий ва оммавий тадбирларга ҳам етарлича маблағ сарфланмоқда.

**Юсуф МАМАДАЛИЕВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Сирдарё вилоят қўмитасининг Гулистон шаҳри бўйича вакили**

*Ёзги соғломлаштириш – юксак масъулият*

# «РОҲАТ» ЧИНАКАМ РОҲАТБАХШ МАСКАН

***Чор атрофи яйдоқ чўл, қум барханлару яккам-дуккам саксовуллардан иборат бўлган Олотда саратонда ҳам тангадек офтоб тушмайдиган сўлим масканлар ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг кўз ўнгида «Роҳат» соғломлаштириш мажмуаси яққол намоён бўлади. Афсонавий Боғи эрамга қиёс қилинадиган ушбу сўлим масканни болажонлар ихтиёрига бериб қўйилганига ҳам анча йиллар бўлди.***

– Оромгоҳимизда асосан тумандаги хўжаликларда истиқомат қилувчи болалар дам олишади. Ҳордиқ чиқариб, ёзги таътилларини хушчақчақликда ўтказишади. Бунинг учун эса етарлича шарт-шароит ҳам бор, имконият ҳам етарли, - дейди оромгоҳ мудири Зокир Аллақов.

Зокиржон салкам 20 йилдан буён ушбу масканга етакчилик қилиб келади. Айни шу фидойи инсоннинг саъй-ҳаракати, елиб-югуришлари эвазига «Роҳат» чинакам роҳатбахш масканга айланди. У кишига 1,8-2 гектар майдонни эгаллаб турган ушбу маконнинг ҳар бир қаричи азиз ва қадрли бўлиб қолган. Қаерда нима ўтқазилганидан тортиб, қайси ерга нимани экиш лозимлигини билади.

Оромгоҳда таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга керакли буюмлар олинди. Фақатгина оромгоҳни қайта таъмирлашга 1,2 миллион сўм маблағ сарфланди. 476 минг сўмга кўрпа-ёстиқ жилдлари сотиб олинди. Бу ерда болакайларга шарт-шароитлар яратилган. Аксарият тарбияланувчилар шоҳмот-шашка ўйнаш билан машғул бўлсалар, бир қисми кутубхоначининг кўмагида китоб мутолааси билан банд. Таниқли полвон, оромгоҳнинг спорт йўриқчиси Қаҳрамон ака Абдуллаевнинг шогирдлари машғулотга буткул берилиб кетган. Моҳир қўллар тўгараги аъзолари эса суюкли устозлари раҳнамолигида кашта тикаяптилар.

Маскан «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалигининг ўрамида жойлашган. Шу боис бу ерда нимаики муаммо чиқса, ҳаммасига асосан шу хўжалик қалқон бўлади. Ҳали уруғликми, кўчатми, тухум, суту гўшт дейсизми, ҳаммасини бирпасда ҳозирлайди.

Бош тарбиячи Энамсултон Ялкапова, шифокор Санъат Тўраева, бош ҳисобчи Тонготар Жумаев, тарбиячилар Феруз Саидов, Шаҳноза Соҳибоваларнинг қўшиқ оҳангига сингиб қолган жажжи болакайларнинг қувончини кўриш, уларнинг хурсандчилигига шерик бўлиш янади қувончли.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Меҳнат ва рағбат*

# ФЕРМЕРЛАР УЙИ ДОНГА ТЎЛДИ



Жиззах вилоятида жорий йилда 101 минг гектар ерда ғалла етиштирилди. Айни кунларда ўрим-йиғим уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Мавжуд 197 та комбайнлар ёрдамида ҳар куни 390 гектар ердаги ғалла саранжомланиб олинаётир.

Дўстлик тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартномавий режасини ошириб адо этдилар. Улар жорий йилда 10 минг 928 гектар ерда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга 30 минг 860 тоннадан зиёд дон сотишди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 51 центнерданни ташкил этди. Ўрим-йиғим 16 иш кунида ниҳояланди. Уруғлик, минерал ўғит ва нефт маҳсулотларига ўз вақтида кредитларнинг ажратилиши муваффақият келтирди.



– Ғалла ўрим-йиғими мавсумида вилоят машина-трактор парклари бирлашмаси «Кейссервис», Дўстлик нефт маҳсулотлари шуъба корхонаси жамоаларининг кўмагини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, – дейди туман ҳокими Сайфиддин Исмоилов. – Улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришди. Мавжуд 24 та «Кейс» комбайнлари бетўхтов, юксак унум билан ишлатилди. Ёнилғи-мойлаш материалларидан узилишлар бўлмади.

Улкан хирмонга «Юлдуз», «Қорасув», «Эшниёз бобо», «Пахтакор», «Шуҳрат», «Дўстлик», «Турдибек ота», «Элчи ота», «Чўлпон», «Қўнғирот-1», «Шоҳбоз», «Ишонч» каби фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. 812 та фермер хўжаликларининг барчаси шартнома режаларини шараф билан адо этдилар. 218 та фермер хўжалиги ҳар гектар ердан 60 центнердан ошириб ҳосил олишга эришдилар.

– Фермерларнинг уйи донга тўлди десам, муболаға бўлмайди. Ғалла ишлаб чиқариш 53 минг тоннани ташкил этди. 30 минг тоннадан ортиқ ғалла давлатга сотилди. Шартнома режасидан ошиқча қарийб 23 минг тонна дон фермерлар ва кам таъминланган оилаларга берилди. Масалан, «Ишонч» фермер хўжалиги 105 тонна, «Истиқлол» фермер хўжалиги 95 тонна, «Кенжа ота» фермер хўжалиги 105 тонна ғалани уйларига тушириб олишди.

Рағбат бор жойда муваффақият бўлиши турган гап. Туман бўйича рентабеллик даражаси 40 фоизни ташкил этди. Биргина ғалланинг ўзидан 5 миллиард сўм даромад қилинди. Ғаллакорларга вақтида иш ҳақи бериб борилди. Комбайнчи ва ғалла ташиш техникалари ҳайдовчилари ҳам муносиб рағбатлантирилди. Туман ҳокимлиги ва агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма туман кенгаши билан ҳамкорликда тузилган тадбирлар ўз самарасини кўрсатди. «Кейс» операторлари Бобо Мажидов, Зафар Жўраев, Файзулла Қаршиев, Рустам Мукаррамов, Мамир Акбаровларнинг ҳар бири 380-430 гектар майдоннинг ғалласини ўриб-янчиб бердилар. Ўртача 20-22 гектар майдондаги ғаллани ўриб берган комбайнчига иш ҳақига қўшимча минг сўмдан нақд пул бериб борилди. Туманда ўрим-йиғим давом этмоқда.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



## ЯРМАРКА ДОИРАСИДА ДАВРА СУҲБАТИ

***Андижонда вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 250 дан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар иш билан банд бўлмаган аҳолига етти юзта иш ўринларини таклиф этишди.***

Ярмарка давомида мутасаддиларга ишга кириш истагида юрган 650 нафар фуқаро мурожаат қилишди. Шуниси қувончлики, уларнинг ярмиси иш билан таъминланди. Қолган талабгорларга эса янги касб-ҳунарларга ўқиш ва жамоат ташкилотларида ишлаш учун йўлланмалар берилди.

Ярмарка ташкилотчиларининг сўзига кўра, ишга биринчи навбатда жазони ўташ жойларидан қайтганлар жойлаштирилди.

Ярмарка доирасида семинарлар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Унда корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва кадрлар бўлими бошлиқлари қатнашиб, меҳнат қонунчилиги борасида одамларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

## "БЕКАЖОН" ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

***Андижон вилояти рус маданий-маърифий маркази фаоллари ташаббуси билан "Бекажон" ("Хозяюшка") клуби ташкил этилди.***

Клуб аъзолари бу ерда чиройли саватчалар, сочиқлар, макраме услубида ёқалар тўқишни ўрганадилар. Шунингдек, улар бу ерда шарқона ширинликлар ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашади.

Клуб ташкилотчиларининг айтишича, аъзолар бу ерда турли касб-ҳунардаги таниқли кишилар билан мулоқотлар ўтказишади. Клуб қатнашчилари маданият, иқтисодиёт ва спортга оид сўнгги янгиликлардан бохабар бўлишади.

**"Туркистон-пресс"**

# ИЛҒОР ТАЖРИБА БАРЧАНИКИ

***Темирйўл тармоқларида меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлаш йўлида кўрилаётган тадбирлар қатор жараёнларни ўз ичига олади. Ана шу йўналишда самарадорликка эришиш мақсадида Тошкент минтақавий темирйўл узелида илғор тажриба мактаби ташкил топган.***

Унинг навбатдаги машғулотида шу куннинг долзарб масаласи ҳисобланган ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олишда орттирилган тажрибалар кўриб чиқилди. Узел бошлиғи Шокир Раҳимов ўз маърузасида бу борада эришилаётган ютуқлар ҳақида батафсил тўхталди.

- Иш берувчиларнинг ҳаётини муҳофаза этиш кенг қамровли жараён, - дейди нотиқ. - Бу ҳол корхона остонасидан бошланади. Ҳар бир ишчи санитария ва гигиена меъёрлари талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари билан таъминланиши лозим.

Узелга қарашли корхоналарда ишчи ўринлари меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатлашдан ўтказиб келинмоқда. Бунинг учун бу йил 6 миллион 900 минг сўм ажратилди.

Ишчиларни махсус кийим-кечак, пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш учун 92 миллион сўм маблағ сарфланди. Узелнинг биринчи алоқа корхонасида қўлга киритилаётган ютуқлар эътиборга лойиқдир. Бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда юқори натижаларга эришилмоқда.

Бу ҳақда ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва ўт ўчириш, соғлиқни сақлаш бошқармалари мутасаддилари ўз ижобий фикрларини баён этдилар. Барча нутқлар тингланиб, жойлардаги аҳвол тўғрисида атрофлича хулосага келингач, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилашга қаратилган тавсиянома қабул қилинди.

Бу ҳужжатда жамоат назоратини олиб борадиган вакиллар ишнинг сифатини ошириш, ўрта бўғин раҳбарлари талабчанлигини ошириш, меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрий ҳужжатлари талабларини бузаётган цех бошлиқларини жавобгарликка тортиш, ишлаб чиқариш жароҳатланишларининг олдини олишда ҳар бир иш бажарувчининг масъулиятини ошириш, ўқитиш ва билимларини синовдан ўтказишни изчил йўлга қўйиш каби вазифалар ўз ифодасини топди.

**Дилобар АҲМЕДОВА.**

## МЕҲР ВА МУРУВВАТ КЎРСАТИБ

***Қизил Ярим ой жамияти Бухоро вилояти кенгашининг кўмагида биринчи тиббий ёрдам кўрсатувчи учта тиббий-ижтимоий марказ очилди.***

Кенгаш раиси Ғулом Ортиқовнинг "Туркистон-пресс" мухбирига маълум қилишича, халқаро ташкилотларнинг қўллаб-қувватлашлари эвазига очилган бундай марказлар фавқулодда вазиятлар рўй берганда аҳолини биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга ўқитади.

Бугунги кунда вилоятда Қизил Ярим ой жамиятининг 480 та бошланғич ташкилотлари мавжуд. Ўз навбатида уларнинг фаолиятини ўнта туман ва иккита шаҳар кенгаши мувофиқлаштириб боради. Ўтган йили Қизил Ярим ой жамиятининг вилоят бўлимлари томонидан аҳолига 25 мингта турли хил тиббий ва 2 мингга яқин ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатилган.

## ҚОРОВУЛБОЗОР ҚУДУҚЛАРИ

***Қоровулбозор нефт-газ қидирув экспедицияси жамоаси ўзининг эллик йиллигини нишонлаш арафасида 2 та янги қудуқни ишга туширди.***

Экспедиция раҳбари Шокир Қосимовнинг "Туркистон-пресс" мухбирига маълум қилишича, жамоа иш бошлагандан буён ўтган вақт давомида жами 443 та қудуқ бурғуланган. Бу майдонларда ишлаб чиқариш унумдорлиги юқорилиги билан ажралиб турувчи 30 та чуқур қудуқ бурғуланди.

## ЯНА БИР ИНШООТ

***«Универсиада-2004» мусобақалари арафасида Самарқанд шаҳрида қатор замонавий спорт иншоотлари қад ростламоқда.***

Сўғдиёна мавзеида вилоят капитал қурилиш бошқармаси ва Республика касаба уюшмалари федерацияси марказий кенгаши маблағи ҳисобидан ёпиқ сузиш ҳавзаси бунёд этилди.

Жаҳон андозаларига мос мажмуанинг эни 21, узунлиги 50 метр, саккизта сузиш йўлакчаси бор. Унга Германия ва Италияда ишлаб чиқарилган замонавий сув тозалаш ускуналари ўрнатилган.

Шаҳардаги «Дельфин» ёпиқ сузиш ҳавзаси ҳам тубдан таъмирланиб, «Универсиада»га шай ҳолатга келтирилди.

# МАҚСАД - АФҒОНИСТОНГА КЎМАКЛАШИШ

***Халқаро бизнес-марказда Ўзбекистон корхоналарининг Афғонистон иқтисодиётини тиклаш бўйича лойиҳалардаги иштирокига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев очди.***

Айни пайтда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар жадал ривожланмоқда. 2001 йили ўзаро савдо ҳажми 11,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2003 йили бу кўрсаткич салкам 90 миллион долларга тенглашди.

Ўзбекистон фирма ва компаниялари Афғонистонда йўл қуриш, электр энергия тармоқларини барпо этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги дастурларда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида имзоланган савдо-иқтисодий ҳамда темирйўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворига асос солибгина қолмай, алоқалар кўламини янада кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз томонидан Афғонистонга озиқ-овқат, ёқилғи-мойлаш ва қурилиш материаллари, дори-дармон, электр-энергияси, турли хил машина ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Шу кунга қадар ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Мозори Шариф - Саланг- Кобул йўналишидаги ўнта кўприк тикланди. Ҳайратон - Мозори Шариф темирйўлининг бир қисми қайта ишга туширилди. Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил Эронга ташрифи чоғида Ўзбекистон, Афғонистон ва Эрон ҳукуматлари ўртасида имзоланган Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга кўра, Афғонистон ҳудудидан ўтувчи транспорт йўлагини (Трансафғон йўлаги) барпо этиш ишлари ҳам жадал давом этмоқда.

Шунга қарамай, семинарда Ўзбекистоннинг Афғонистон иқтисодиётини тиклашдаги имкониятлари тўлиқ ишга солинмаётгани таъкидланди. Мазкур мамлакат билан чегарадош бўлган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, йўл транспорти, энергетика, сув тақсимоти тизимларидан фойдаланиш борасида катта тажрибага эга. Афғонистон иқтисодиётининг шу соҳаларини тиклаш ишида Ўзбекистон иштирокини янада кенгайтириш ҳам иқтисодий, ҳам мантиқий жиҳатдан асосли бўларди. Лекин ҳозирча бу борада Ўзбекистон компанияларининг Афғонистондаги лойиҳа ва дастурлардаги ҳиссаси имконият даражасида эмас.

Семинарда йиғилганларга Жаҳон банки ҳамда Осиё тараққиёт банкининг Афғонистон иқтисодиётини тиклашга қаратилган дастур ва лойиҳалари, ўтказилаётган тендер савдолари, танловларда иштирок этиш тартиб-қоидалари, Афғонистондаги бизнес имкониятлар ҳақида маълумот берилди. Семинарда иштирок этган Ўзбекистоннинг ўттиздан ортиқ фирма ва компанияси вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олди.

**(ЎзА)**

*Ҳар ким экканини ўради*

# «ҲОТАМТОЙ» РАИС

## вазифасидан озод қилинди

***Аҳолининг заиф қатламларини ҳар жиҳатдан муҳофазалаш мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир.***

Қорақалпоғистон республикаси молия ва ижтимоий таъминот вазирлиги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни ҳукумат қарорлари ва тегишли меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида олиб бормоқда. Йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида тузилган махсус комиссияларнинг тавсияларига мувофиқ 16 (18) ёшгача фарзандлари бўлган 43 минг 650 нафар ариза эгалари талаби қондирилди. Икки ёшгача болалари бор – ишламайдиган оналардан 6 минг 888 нафарига нафақа тўланди. 4973 оилага моддий ёрдам тайинланди. Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз карияларга 18 миллион 269 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Республикада коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан тузилган шартномаларга мувофиқ, табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви учун ундирилган маблағларнинг 10 фоизини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳисоб рақамларига ўтказиш тажрибаси кенг қўлланилаяпти. Масалан, «Қорақалпоғистонгазтаъминоти» корхонаси 4 миллион 682 минг сўм пулни маҳалла ва овул фуқаролари йиғинлари ҳисоб рақамларига туширди. 695 та оила фойдаланган табиий газ қарзлари қопланди.

Кам таъминланган оилаларга енгиллик бериш борасида Кегейли туманида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Туманнинг «Оқбўта», «Қизилуй», «Кумшунгул», «Янгибозор», «Обод» овул фуқаролар йиғинлари, «Халқобод», «Кегейли» каби маҳалла қўмиталари томонидан тўпланган маблағлар ҳисобидан етти юзга яқин оила газ тўловларидан тўлиқ узилди.

– Ижтимоий ҳимоя аниқ йўналтирилган тарзда амалга оширилиши керак, - дейди Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи Рима Ли. - Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, «Моддий ёрдам ва 16 (18) ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга ҳамда икки ёшгача болалари бор оналарга нафақа тайинлаш тўғрисида»ги методик кўргазма ва Низом талабларининг бажарилиши ўрганилганда, Нукус шаҳри, Кегейли, Хўжайли, Элликқалъа, Тахтакўпир, Тўрткўл туманларида ишлар анча яхши йўлга қўйилганлиги аниқланди.

Ташкилотчи ва ёш мутахассис Рустам Шомуродов раҳбарлик қилаётган Элликқалъа туманида кам даромадли оилаларга нафақа пуллари, моддий ёрдам, боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун ишламайдиган оналарга бериладиган нафақалар ўз вақтида молиялаштирилиб, эгаларига етказилаяпти.

Моддий ёрдамнинг ҳар бир оилага етиб бориши қатъий назоратда турибди. Молия вазирлиги бош мутахассиси А.Довқараев ва унинг молия бўлими аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича масъул ходими Д.Мустафоев иштирокида «Ақчакўл» овул фуқаролар йиғини фаолияти ўрганилди. Йиғин ҳудудида истиқомат қилаётган 770 та болали оилалардан 280 нафари нафақа олади.

Белгиланган имтиёзлар бўйича нафақа тайинлашда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Масалан, фуқаро Холбой Қаландаровга белгиланганидан 6528 сўм, Сағдулла Тоирбергеновга 8160 сўм ортиқча пул бериб юборилган. Нуқсонларга йўл қўйган мутасаддиларга тегишли чора кўрилди.

Нукус шаҳридаги 2-маҳалла фуқаролар йиғини котиби А.Сийтовнинг эътиборсизлиги билан моддий ёрдам ва нафақа тайинлашда Низом доирасидан четга чиқилган. Умуман, шаҳардаги ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддиларининг лоқайдлиги оқибатида икки ёшгача фарзандлари бўлган ишламайдиган оналарга 601,4 минг, 16 (18) ёшгача болалари бор оналарга 199,6 минг, кам таъминланган оилаларга 8,2 минг сўм пул ортиқча бериб юборилган. Нотўғри тўланган маблағлар маҳалла қўмиталарининг ҳисоб рақамларига қайтарилди.

Хўжайли туманидаги 12-фуқаролар йиғини котиби А.Отажонов ва З.Отажоновага 7709 сўм, У.Балмаганбетова 20 минг 406 сўм маблағни ҳужжатларни пухта ўрганмасдан расмийлаштиргани учун огоҳлантирилди. 15-фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи А.Аминниёзовага 17 минг 754 сўм моддий ёрдам пули ноқонуний тўлаб юборилган. Тегишли тартибни бузгани учун фуқаролар йиғини раиси вазифасидан озод қилинди. Хуллас, ижтимоий ҳимоя тамойилларини амалга оширишда ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйган ходимлар қаттиқ жазоланди.

**Иззат ҲИКМАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ДЕҲҚОНОБОД ЧОРВАДОРЛАРИ

***Деҳқонобод туманидаги М.Ибрагимов номли хўжаликда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий аҳволни яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Хўжаликнинг умумий ер майдони 28 минг 980 гектарни ташкил қилади. Одамларнинг оғирини енгил қилиш, қолаверса, уларнинг тўй ва маъракаларда бирга иштирок этиши маъмурият ва касаба уюшмасининг асосий иш мезонига айланган. Ишчи-ходимларга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, мавсумий ишга жалб этилганлар иссиқ овқат билан таъминланиб, моддий рағбатлантирилмоқда. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилмоқда. Байрамларда ногиронлар, ёлғиз кариялар ва беморлар ҳолидан хабар олиш, совға-салом улашиш яхши анъанага айланган.

Айни вақтда хўжаликда 26 минг бошдан зиёдроқ қўй-эчки мавжуд бўлиб, ўтган 2003 йилда чорва сони 5 минг бошга кўпайтирилди. Шунингдек, деҳқончилик соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Гапни хўжаликнинг кўрсаткичларидан бошлашимиз бежиз эмас. Зеро, олинган даромадга яраша бу ерда талайгина ишлар ҳам амалга оширилган. Масалан, узоқ йиллар қурилиши тугалланмай қолган Э.Ниёзов номли мактаб биноси қурилишига хўжалик ўз ҳиссасини қўшди. Чунки ҳудудида бор-йўғи 2 та мактаб мавжуд эди. Шу боис янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилгунга қадар ўқувчилар узоққа қатнаб, қийналишди. Эндиликда муаммо ўз ечимини топди.

Бу ерда болалар спортини ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Хўжалик ҳисобидан мактаб ўқувчиларига 500 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. Болалар ўртасида футбол, волейбол, кураш каби мусобақалар ўтказилиб, совринлар учун 200 минг сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди.

Хўжаликнинг олис қишлоқларида тоза ичимлик суви бироз муаммога айланганди. Буни бартараф этиш учун сув ҳавзаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада қишлоқ аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди.

Кейинги йилларда туманда эл саломатлиги йўлида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Марказий шифохона бош врач ўринбосари Н.Янгибоевнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда бу ерда 6 та участка шифохонаси, 11 та қишлоқ врачлик пункти, 4 та амбулатория, 52 та фельдшер-акушерлик пункти, 4 та дорихона фаолият кўрсатмоқда. М.Ибрагимов номли ширкат хўжалигида жойлашган анчадан буён таъмирга муҳтож «Оқиртма» қишлоқ участка шифохонаси эндиликда қайта таъмирланмоқда. Бунинг учун 30 миллион сўм маблағ ажратилган. Мазкур қишлоқ участка шифохонасига замонавий тиббий асбоб-ускуналари келтирилган бўлиб, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.

Туман йўл хўжалиги таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси жами 219 километр узунликдаги йўлга хизмат қилади. Шундан 57 километри халқаро, қолгани вилоят ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга йўллар ҳисобланади. Бу ерда асосий ишловчилар сони 81 кишидан иборат. Ҳозирги вақтда тумандаги хўжалик ҳудудларигача олиб борувчи маҳаллий йўлларнинг сифатини яхшилаш, таъмирлаш борасида деҳқонободлик йўлсозлар астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Умуман олганда, Деҳқонобод тумани аҳолисининг асосий даромад манбаи чорва ҳисобланади. Шу боис хўжалик ва аҳоли қарамоғидаги мавжуд чорва молларни соғлом ва ҳар хил юқумли касалликлардан асраш учун туман давлат ветеринария бўлими чора-тадбирлар белгилаган.

**А.РАҲМОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «АСЕМ» КИЧИК КОРХОНАСИ

Томди туманидаги «Томди» наслчилик ширкат хўжалигида «Асем» кичик корхонаси иш бошлади. У чўпонлар учун қишки кийимлар, буюртма асосида эса миллий кийимлар тикмоқда. Ҳозир бу ерда ўн нафардан ошиқ ишчи меҳнат қиляпти. Улар тикаётган кийимлар сони ўн беш хилдан ошди.

**Суратларда: тикувчилар Лиза Асқарова, Кенгис Пиримбетова, «Асем» кичик корхонаси бошлиғи Салтанат Сиддиқова ва тикувчи Жулдуз Утемуродова; тикувчи Замира Бадирова;**

**С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар**





## ЭКОЛОГИЯДАН ДАРСЛИКЛАР

Атроф-муҳитнинг софлиги учун кураш умумжаҳон аҳамиятига молик вазифага айланган. Ана шу экологик жараённинг ўзига хос ҳуқуқий жиҳатлари ҳам борки, уларга тўла амал қилиш инсониятнинг шарафли бурчи ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи» деб номланган дарсликда ҳам ушбу муҳим муаммонинг қатор томонлари ўз ифодасини топди. Тошкент давлат юридик институти экология ва қишлоқ хўжалик ҳуқуқи кафедраси профессори Асқар Ниғматов томонидан босмага тайёрланган мазкур ўқув адабиёти ҳуқуқшунослик, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишидаги олий ўқув юртлари бакалаврлари учун яхши совға бўлди.

Профессорнинг навбатдаги дарслиги эса «Ўзбекистон Республикасида экология ҳуқуқи» деб номланиб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари учун мўлжаллаб чиқарилди. Ҳар икки дарслик луғат, тест саволлари, семинар машғулотлар режаси каби зарур манбаларни ўз ичига олган.

## «ЁШЛИК» СПОРТ КЛУБИ ОТАЛИҒИДА

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш дастурини амалга ошириш йўлида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳам тадбиркорлик билан иш юритмоқда. Олий ўқув юртининг «Ёшлик» спорт клуби саъй-ҳаракати киши эътиборини ўзига тортади.

Клуб пойтахтнинг Яккасарой туманидаги «Ракат» маҳалласида спорт ишларини кенг йўлга қўйиш билан шуғулланишга киришди. Институт билан маҳалла ўртасида тузилган шартнома доирасида болалар спортнинг қатор турларига жалб этилади. Ҳозирнинг ўзида 150 нафар ёш спортчи клуб тренерлари ҳомийлигига олинди.

Олий ўқув юртининг жисмоний тарбия ўқитувчилари кўмагида футбол, миллий кураш, таэквондо бўйича машқлар ўтказишга киришилди.

Қурилаётган бу тадбирлар маҳаллада спорт ишларини аъло даражада ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Акбар АЛИЕВ**

## ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

***Хатирчи тумани Янгирабод шаҳрида 320 ўринли замонавий мактаб биноси қуриб битказилди. Уни «Меҳнатобод» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари бунёд этди. Қарийб 60 миллион сўмлик мебель, компьютер ва ўқув жиҳозлари сотиб олинди.***

Кармана туманидаги Қодир Раҳимов номли ширкат хўжалигида ҳам янги мактаб фойдаланишга топширилди. Уч қаватли шинам бинони «Қурувчи» ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул қурувчилари барпо этди.

**(ЎзА)**

*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

***«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси таркибидаги автосаройларда янги русумдаги «Мерседес-Бенц» автобуслари пайдо бўлганига кўп бўлгани йўқ. Аҳолига маданиятли хизмат кўрсатаётган ҳайдовчилар барча йўналишларда йўловчиларни манзилларига вақтида хавф-хатарсиз етиб олишларига сидқидилдан ёндошмоқда. Айниқса, «2519-Автокорхона»га қарашли 24-, «12-Автосарой»нинг 58- ҳамда «7-Автосарой»нинг 174-йўналиш автобуслари ҳаракатланишидан барча мамнун.***

# ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

– Жамоамиз билан «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси томонидан «Намунали йўналиш» кўрик-танлови эълон қилиниб, рағбатлантирилаётганлиги айни муддао бўлди, - дейди, «7-Автосарой» очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Баҳодир Абдураҳмонов. – Жамоамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, автосаройда 20-25 йил меҳнат қилиб, турли сабаблар билан бошқа жойларга ўтиб кетган ҳайдовчиларни корхонага чақириб, уларни яна бир бор қайта ўқитиб, йўналишларга бириктирдик. Ёшларни ёнларига олиб, касб сирлари, йўловчилар билан муомала маданияти ва бошқа қадриятлардан сабоқ бериб келаётган устозларнинг ўгитлари ўз самарасини бермоқда. Янги 2 та йўналишнинг очилиши эса кўплаб аҳолининг транспортга бўлган эҳтиёжини қондирди. Ҳозирда автосарой жамоаси 11 та йўналишда намунали хизмат кўрсатмоқдалар.

Сирғали тумани билан Зангиота туманининг «Қаҳрамон» маҳалласини боғловчи 174-йўналишга аҳоли томонидан кўплаб миннатдорчилик хатлари ва телефон қўнғироқлари бўлиб турибди. И-7 йўналиши бўйича, яъни «Чилонзор буюм бозори» ва Собир Раҳимов метро бекатига қатнаётган «РАФ» маршрут-такси хизмати ҳам барчага манзур бўлмоқда. Мактаб ўқувчиларининг автобуслардан фойдаланишлари учун автосарой томонидан бир мунча енгилликлар яратилган.

«12-Автосарой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси корхонада ишлаётган ишчи-ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида бир қатор ижобий ишларни амалга ошириб келаётир. Бу ерда «Зотли моллар» шуъба корхонаси ташкил этилган бўлиб, 223 та қорамол, 138 та қўй, 12 та от парваришланмоқда. Шуъба корхона «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси таркибидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларга сут, гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бермоқда. Қаровсиз қолган 110 гектарлик ер майдони эса обод қилиниб, 47 гектарда беда ва озуқа экинлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. 96 минг дона терак ва тол кўчатлари бўй чўзмоқда.

Шуъба корхонадан олинган соф даромаднинг бир қисми жамоада меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар, ҳайдовчилар ҳамда чилангарларни моддий рағбатлантиришга сарфланмоқда. Шунингдек, автосаройда меҳнат қилиб, қарилик гаштини сураётган нафақахўрлар, кам таъминланган оилалар турли байрамларда йўқлаб турилибди.

Меҳр ва мурувват йилида Сирғали туман «Нуроний», «Кўзи ожизлар» жамиятларига моддий кўмак берилди. Корхонада меҳнат қилаётган ишчиларнинг таътилга чиқишлари олдидан маошларига қўшимча 40 минг сўм моддий ёрдам билан биргаликда дам олиш сиҳатгоҳларига йўлланмалар берилаётир.

Ишловчиларнинг фарзандлари «Стрелцов», «Автомобилчи» ҳамда «Трамвайчи» оромгоҳларида мириқиб дам олишмоқда.

«8-Автосарой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида эса «Намунали йўналиш» кўрик танлови анча илгари бошланган. Боиси корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси йўналишлар бўйича ички танлов эълон қилишган эди. Бунда 51-йўналиш бўйича қатновчи («Юнусобод-6» – «Бешёғоч» майдони) автобус ҳайдовчилари ғолибликни қўлга киритишди. Кўпгина йўналишларнинг оралиғи узайтирилиб йўловчиларга бир мунча қулайликлар яратилди.

**Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Айни кунларда Бухоро туманининг «Қоражери» қишлоғидаги «Хайти» фермер хўжалиги даласида иш қизғин. Бу ерда ғўза парваришига кўнгилдагидек эътибор берилмоқда. Ғўзага ишлов бериш, суғориш ишлари меъёрида бажариляпти.

– Ғўза яхши ўсмоқда, – дейди «Хайти» фермер хўжалиги етакчиси Шавкат Қурбонов. – Бу эса ҳосилнинг мўл бўлишидан дарак беради. Ҳозир жамоа ҳар бир вақтни ғанимат билмоқда.

**Суратда: фермер хўжалиги етакчиси Шавкат Қурбонов.**



С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар



*Ёруғ нуқта*

# Китоб, китобхон, кутубхона...

Қашқадарёдаги мутолаа масканларида, хусусан, Сайидо Насафий номли вилоят кутубхонасида амалга оширилган ижобий ишлар хусусида.

Китобхон фикри:

...Усмон Хушвақтов деган ажойиб инсон бор. «Уздунробита» компаниясининг Қарши шаҳридаги ваккиллиги бошлиғи, маънавиятли раҳбар.Мутолаани яхши кўради, кўнгли тўқликка интилади. Яқинда у киши билан учрашиб қолдим.Суҳбатимиз китоб, кутубхона ва китобхон ҳақида кечди.

– Вилоят кутубхонаси таъмирланди, бу албатта яхши иш, - дейди у. Ва кейин бир нуқтага тикилганича фикрларини пишитиб давом этади: – аммо бу дегани – олам гулистон эмас. Китобхонларни кўпроқ кутубхонага жалб этиш йўлларини ҳам ўйлаб кўрмоқ керак экан. Яна янги китобларни ўқувчилар ўз вақтида ўқиса... Албатта бу маблағ билан боғлиқ масала. Лекин масалани ечимига йўл топмоқ учун мутасаддилар ҳам жон куйдирсин-да.

Гарчи мутахассислиги бу соҳага тамомила алоқаси бўлмаса-да, омади гапни айтди Усмон ака. «Шаҳар, туман кутубхоналарининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида» вилоят ҳокимининг қарори бор ахир. Бунда асосан янги кутубхоналар ташкил этиш, мавжуд кутубхоналарни янги китоблар билан бойитиш ҳамда қишлоқ ва туман кутубхоналарини вилоят кутубхонаси билан модем ҳамда электрон алоқаларини ўрнатиш назарда тутилган.

Ҳоким кутубхонага келса...

– Дастлабки иш фаолиятимни шаҳар кутубхонасида оддий кутубхоначи сифатида бошлаганман, - дейди Сайидо Насафий номли вилоят кутубхонаси директори Клара Дўстёрова. – Лекин 15 йиллар, эҳтимол, ундан ҳам кўп вақт оралиғида бирорта вилоят раҳбарининг кутубхонага ташриф буюрганини ҳамда умуман бундай масканларга эътибор қилганини, қолаверса, бу борада махсус қарор чиқарганини эслай олмайман. Бу раҳбарга қилинаётган хушомад эмас, тўғри тушунинг. Қарор чиққанидан буён уч ой вақт ўтди. Унда кўзда тутилган тадбирлар бир-бир ўз ифодасини топаётир. Жойларда, аниқроғи, ҳозирча ногиронлик ва меҳрибонлик уйларида кўчма кутубхоналар ташкил этаётирмиз. Рағбат бўлса, илҳоминг жўшиб, бир қанча ишларни бажариб ташларкансан, руҳий қувватинг ошаркан.

Кутубхона мудирининг гапида жон бор. Юзлаб янги китоблар ана шу рағбат ва хайриҳоҳлик натижасида олиб келтирилди. Тўғри, ҳозирги кунда мазкур кутубхона бисотида 245734 дона ҳар хил адабиёт бор, лекин буни ҳеч бўлмаса Қарши шаҳри аҳолиси билан муқояса қиладиган бўлсак, 200 минг дан ошиқ аҳолига бу адабиётлар етармикан? Кутубхона директори Клара Дўстёрованинг «Энди имконият эшиклари очилди, адабиётларни кўпайтирмоқ керак» деган гапида ана шу мулоҳазалар назарда тутилган бўлса, не ажаб... Дарҳақиқат, куни кеча кутубхонага 4 миллион 270 минг сўмлик, «янги тандирдан узилган» китоблар келтирилганлиги хусусидаги маълумот олдик.

– Мутолаа билан мунтазам шуғулланган киши китобни қадрлайди, одамларга нисбатан мурувватли бўлади, - дейди кутубхонанинг услубиёт бўлими мудири Гулнора Турсунова. – Биз биринчи галда ана шу фикрларни ўзига мужассам этган қўлланма тайёрлаб туман ва тармоқ кутубхоналарига жўнатдик. Фақат бугина эмас. Туман ва шаҳар марказий кутубхоналарида ўтказиладиган тадбирларга амалий-услубий ёрдам кўрсатаяпмиз. Яна кутубхоначиларнинг семинар-кенгашини ўтказаяпмиз. Шу кунгача ўнга яқин китоб кўргазмаси ташкил этдик.

Уста Убай нима дейди?

Убайдулла Ғаппоровни шаҳарда ҳамма яхши билади. Убай тоға (биз шундай деймиз) оддий соатсоз. «Вақт» номли кичик корхонаси бор. Бурноғи йиллар корхонаси фаолияти юзасидан содир этилган адолатсизликларни бартараф этиш учун сидқидилдан курашди, охири «қўли баланд» келди. Шу баҳона Убай тоға таниш бўлмаган қонунлар қолмади. У киши билан биз айнан шу кутубхонада учрашиб қолдик:

– Ғалабага эришишимда ўқиган китобларимнинг фойдаси катта бўлди, - дейди у. – Мен бунда фақат ҳуқуқий адабиётларни назарда тутаётганим йўқ. Мазкур кутубхонага имкон қадар, вақтим бўлганда келиб тураман. Бадиий, тарихий китобларни анчасини ўқиганман. Вилоят ҳокимининг кутубхонага ташриф буюргани яхши, албатта. Лекин унинг издошлари қани? Нега бошқа катта-кичик раҳбарлар кутубхонадан, янада бошқа маънода айтадиган бўлсак, мутолаадан узоқлашиб кетишган? Балки, раҳбарлар кўпроқ китоб ўқиса жамият ривожига қўшган ҳиссаси бошқачароқ бўлармиди? Зотан китоб кишиларни тарбиялайди, савиясини ошириб, дунёқарашини кенгайтиради.

Мутолаа – кўнгил мулки.

Бугунги кунда вилоятда 464 та кутубхона мавжуд. Аммо гап сонда эмас, салмоқда. Баъзи бир хўжалик-қишлоқ кутубхоналари номигагина бор холос. Бинолари эса... ачинарли аҳволда. Ўша жойлардаги айрим бошлиқларнинг хонасига кирсангиз китоб жовонидан битта ҳам адабиёт тополмайсиз. Баҳона эса маблағнинг йўқлиги. Ҳеч ишонгинг келмайди-да. Дейлик, тушлик учун ўн-ўн беш минг сўм сарфлашни билган одам наҳотки 4 та китоб олишга имконияти етмаса?!

Юқорида қайд этилган вилоят ҳокимининг қарорида: «туман ҳокимликлари кутубхоналар учун замонавий бинолар қуриш имкониятларини қидириб топсинлар. Бу ишларни амалга оширишда маҳаллий бюджет даромадлар қисмининг ошириб бажарилиши, ҳомийлар ёрдам маблағлари, молиялаштиришнинг бошқа манбаларидан фойдалансинлар» дейилади. Қарорнинг шу ва бошқа бандларини амалда бажариш учун моддий қийинчиликлар бўлиши табиий. Зеро, ҳеч бир тадбир осонликча кечмайди. Бунинг учун изланиш ва имкониятлар даражасини чамалаб кўрмоқлик – ҳеч кимга янгилик эмас. Бунга битта мисол: Ўтган йил вилоят кутубхонасини капитал таъмирлаш учун 380 миллион сўм сарфланди. Лекин буни ўзи бўлгани йўқ. Бунинг учун вилоят ҳокими ташаббуси остида ички имкониятлар ишга солинди. Натижада, кутубхонага файз кирди, чирой очди. Аста-секин одамлар қатнови ҳам изчиллашаётир.

Яна бир нарса. Кўпгина тараққий этган мамлакатларда кутубхоналарга оилавий обуна бўлиш аллақачон русумга айланган. Ҳатто мулкдор оилаларда мутолаадан оқсаган фарзанд меросдан маҳрум этилиши сингари ғалати одатни кўпчилигимиз билмасмиз. Аммо нима бўлганда ҳам бу одат фарзандларни китоб ўқишга, илм олишга даъват этади. Бу даъват келгусида инсон камолотига дохил бўлади. Бу дохиллик замирида катта манфаатдорлик бор. Аниқроғи, кутубхона, китоб, мутолаа кўнгил мулкига айланмоғи жоиз. Шундагина юрт маъмур бўлади.

**Шавкат КАРОМОВ**

*Огоҳлик*

# ОТ МИНГАННИКИ...МИ?

***Қодир Холбоев деган қадрдонимиз бор. Бир гал учрашганимизда куйиниб қолди. Қўшнисининг отини ўғри уриб кетибди. Ачинарлиси, ўғригина бола қишлоқ кўчаларида анча изғиган, дайдиб юрганини кўрганлар ҳам бор. Аммо лоқайдлик барчани гунгу кар қилиб қўйган экан... Кимсан, бу кўчада кимни ахтараяпсан, муддао-ю, мурodинг не? - деб сўрайдиган одам топилмаган. Аммо ҳамқишлоқлари бўлмиш Мавлоновларнинг чарх уриб айвонда боғланган отини ахтараётгани бутун қишлоқни оёққа турғазибди. «Кечаги шумқадамнинг иши бу» - деди кимдир. Назарим тушганида кўзлари бежо эди, занғарнинг» дея қўшиб қўйди бошқаси. Бутун бошли от ерга кирдими, кўкка учдими, ғойиб бўлганди.***

Бундай чоғда нажот ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан қидирилади. Мирзаобод туманидаги Элобод қишлоғилик Мавлоновлар ҳам худди шундай йўл тутишди. Энди воқеа тафсилотига чуқурроқ назар солайлик. Йигирма уч яшар Илҳом Суяров Жиззах вилояти Арнасой туман «Фарғона» хўжалигида яшарди. Илгари икки маротаба жиноятга қўл уриб қамалган. Аммо у хатолардан тегишли хулоса чиқара олмаган. «Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас» деганларидек бир куни у Арнасойдан Элободга йўл олади. Муддаоси ана шу чекка қишлоқ орқали Қозоғистон республикасининг Шимкент вилояти ҳудудидаги «Сапар ота» бозорига пиёда ўтиб олиш эди. Кеч тушиб борарди. Элобод қишлоғидаги Санам Муродова номли кўчадан ўтиб борар экан, бир боланинг гижинглаган қизил тойни ўз ҳовлисига етаклаб кириб кетаётганига кўзи тушди. Қишлоқда осойишталик ҳукм сурарди. Илҳом Суяровнинг нияти бузилди.

Сал ўтмай атрофга зулмат чодирини ёзди. У кутилган фурсат келганини сезиб, от боғланган хонадонга кирди. Хонадон соҳиблари телевизорга маҳлиё бўлиб ўтиришарди. Ўғри секин отни кўчага етаклаб чиқди-ю, Арнасой сари йўлга тушди. Юз чақиримлик масофани отда босиб ўтди. Дўстлик тумани ҳудудига етганида отга қамчи босди ва тез орада Гагарин шаҳрига етиб келди. Бироқ унинг сафари шу ерда тугаганди. Ҳуқуқ тартибот идоралари қўйган қопқонга келиб илинганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Отнинг қўшни вилоят ҳудудидан топилгани элободликларни ҳайратга солди. Қизиқ-да, бетайин бир кимса қишлоқни обдон кезса, бир отни ўғирлаб кетса-ю, ҳеч ким пайқамаса. Жиноятчи-ку, Мирзаобод туман жиноий ишлар суди ҳукми билан қонуний жазога тортилди. Ишқилиб, Элобод қишлоғи аҳли бу воқеадан тегишли хулоса чиқариб олган бўлсин-да.

Дўстимиз ҳикояси эсимга бир воқеани бот-бот солади. Қишлоғимизда Абдулла бобо деган кекса киши бўларди. Биз ёш-яланглар бободан безиллардик. Чунки у дарвоза ёнида ўтириб, кўчадан ўтган-кетганни сўроқ қиларди. «Кимсан, кимнинг ўғлисан, нима юмуш билан юрибсан, нега бош ялангсан?» каби саволларни уярди. Муддао-мақсадсиз юрибсанми тамом, ирғиб туриб, ҳассасини кўтариб бир чақиримгача қувиб солинарди. Қишлоққа келган меҳмон ҳам унга учрамасдан ўтмасди, албатта. Кимникига, қаердан келаяпсан? Кимнинг фарзандисан? деган сўроқлардан сўнггина ҳассаси учи билан керакли хонадонни кўрсатиб қўярди. Қишлоқ аҳли бу ҳолга кўникиб кетган, қаерга йўл олса Абдулла бобо дуосини олиб борар, манзили-ю, муддаосини айтиб кетарди. Бора-бора у кексайди. Озиб, ранглари сарғайиб, мункиллаб қолганда ҳам остона ёнига ёткизилган тол кундасида ўтириб одамларни терғаб туриш одатини қўймади.

Қишлоқ сари йўл олганда аввал ўша дарвозага бир кўр назар ташлайман. Табаррук кунда ўша ҳолатда турибди. Аммо Абдулла бобо йўқ, қишлоқдошлар раҳматликни кўп эслашади. Эндиликда бу узун кўчада кечқурунлари тўда-тўда бўлиб ўсмирлар сигарет, нос чекиб турганига, гурунг қилаётганига кўзингиз тушади. Ҳар қадамда «ҳой фалончи энди уйга кир, ярим тунгача кўчада тентирама!» деган ота-оналар танбеҳи қулоққа тез-тез чалинади. Биргина Абдулла бобо тартибга солиб турган қишлоқ ёшларини жиловлай олмай кўплар ҳалак. Тўй-ҳашам davраларда бобони қишлоқнинг кўз-қулоғи эди, деб ёдга олишади. Ўйлаб қоламан, нега биз Абдулла бобо бўлолмаймиз? Нега лоқайдмиз? Қишлоғимиз кўчасидан самолёт ўтиб кетса ҳам бепарво уйимизга, иссиқ ўрнимизга кириб кетамиз. Огоҳу, ҳушёрлигимизни мана шу лоқайдлигимиз кемириб қўймадимикан.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

